

Ўзбекистон Республикаси  
Конституциявий судининг  
2021 йил “31” майдаги  
КСҚ-б-сонли қарори билан  
қабул қилинган

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИННИГ РЕГЛАМЕНТИ

### 1-боб. Умумий қоидалар

**1-модда.** Ушбу Регламент Конституциявий суднинг ички фаолиятини ташкил этиш масалаларини тартибга солади.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонун ҳамда бошқа қонунлар билан Конституциявий суд ваколатига киритилган барча масалалар бўйича суд мажлиси ўтказилади.

**3-модда.** Конституциявий суд қуйидаги масалалар бўйича ҳам суд мажлисини ўтказади:

қонун лойихалари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасига киритилганда;

“Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонунда назарда тутилган ажримлар қабул қилинганда;

Конституциявий суд раиси ва унинг ўринбосари сайланганда, уларни лавозимидан озод этилганда;

судьяга Биринчи малака даражаси берилганда;

Конституциявий суд судьясининг дахлсизлик ҳукуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилганда;

Конституциявий суд судьяси ваколатлари тўхтатиб турилганда;

Регламент, турли низомлар ва Конституциявий суднинг ички хужжатлари тасдиқланганда.

**4-модда.** “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг 24-моддасига мувофиқ суд мажлиси очик ўтказилади. Суднинг ёпиқ мажлисини ўтказишга давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни сақлаш зарур бўлган такдирда йўл қўйилади. Суднинг ёпиқ мажлисини ўтказиш тўғрисида ажрим чиқарилади. Суднинг ёпиқ мажлисида факат Конституциявий суд судьялари, тарафлар ва уларнинг вакиллари иштирок этади. Суднинг ёпиқ мажлиси маҳфий хужжатлар билан ишлашнинг белгиланган қоидаларига риоя қилинган ҳолда ўтказилади.

**5-модда.** Конституциявий суд мажлиси Конституциявий суд раиси томонидан, у йўқлигига Конституциявий суд раисининг ўринбосари томонидан, Конституциявий суднинг раиси ва унинг ўринбосари йўқлигига ёки улар ўз вазифаларини бажариш имкониятига эга бўлмаганида энг катта ёшли судья томонидан чақирилади.

**6-модда.** Конституциявий суд ва унинг девони фаолияти масалалари юзасидан хизматга оид кенгашлари чақирилиши мумкин. Хизмат кенгашларида Конституциявий суднинг судьялари ва девон ходимлари иштирок этади.

**7-модда.** Конституциявий суд судьяларига Биринчи малака даражасини бериш тартиби алоҳида Низом билан белгиланади.

**8-модда.** Конституциявий суд судьяларига Конституциявий суд раиси томонидан тасдиқланган жадвалга мувофиқ йиллик меҳнат таътили берилади.

## **2-боб. Конституциявий суд раиси ва унинг ўринбосарини сайлаш ҳамда уларни эгаллаб турган лавозимидан озод қилиш**

**9-модда.** Конституциявий суд раиси ва унинг ўринбосари Конституциявий суд мажлисида унинг судьялари орасидан сайланади. Раис ва унинг ўринбосари лавозимларига сайлов Конституциявий суднинг очик мажлисида ўтказилади. Мажлисда раислик қилиш “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг 51-моддаси биринчи қисмида белгиланган тартибда амалга оширилади.

**10-модда.** Конституциявий суд раиси ва унинг ўринбосари лавозимларига номзодлар судьяларнинг ўзлари томонидан таклиф этилади. Агар лавозимга битта номзод таклиф этилса, сайлов очик овоз бериш йўли билан амалга оширилади. Агар лавозимга биттадан ортиқ номзод таклиф этилса, сайлов яширин овоз бериш йўли билан амалга оширилади. Бундай ҳолда Конституциявий суд раиси ва унинг ўринбосарини сайловини ўтказиш бўйича сайлов бюллетени ва сайлов баённомасининг шакли Конституциявий суд томонидан очик овоз бериш йўли билан тасдиқланади.

**11-модда.** Номзодлар рўйхати Конституциявий суд томонидан очик овоз бериш йўли билан тасдиқланади ва баённома тузилади ҳамда раислик қилувчи томонидан имзоланади.

**12-модда.** Лавозимга номзод бўлмаган Конституциявий суднинг учта судьясидан иборат таркибда саноқ комиссияси тузилади. Раислик қилувчи комиссия таркибиға киритилмайди.

Овоз бериш бўллетенларининг ҳақиқийлиги текшириб чиқилганидан сўнг, саноқ комиссияси овоз бериш баённомасини тузади ва у раислик қилувчи ҳамда аъзолар томонидан имзолангач Конституциявий суд мажлисида эълон қилинади.

**13-модда.** Конституциявий суд судьяларининг умумий сонининг ярмидан қўпининг овозини олган судья тегишли лавозимга сайланган ҳисобланади.

**14-модда.** Сайлов очиқ овоз бериш йўли билан ўтказилган тақдирда, сайлов натижалари Конституциявий суд мажлиси баённомасига киритилади.

**15-модда.** Конституциявий суд раиси ва унинг ўринbosари сайловлари бўйича овоз бериш бўллетенлари ҳар бир сайловдан кейин конвертга солиниб, муҳрланади ҳамда Конституциявий суд мажлисининг баённомасига илова қилинади.

**16-модда.** Овоз бериш натижалари Конституциявий суднинг қарори билан расмийлаштирилиб, Конституциявий суднинг барча судьялари томонидан имзоланади ва гербли муҳр билан тасдиқланади.

**17-модда.** Конституциявий суд раиси ёки унинг ўринbosари эгаллаб турган лавозимидан озод этиш тўғрисида ёзма ариза берган тақдирда Конституциявий суднинг мажлисида лавозимидан озод қилинади.

**18-модда.** Конституциявий суд раиси ва унинг ўринbosарини лавозимидан озод қилиш масаласи юзасидан очиқ овоз бериш натижаларига кўра Конституциявий суднинг қарори қабул қилинади.

### **3-боб. Конституциявий суд раисининг ваколатлари**

**19-модда.** “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг 19-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ Конституциявий суд раиси қўйидаги ваколатларни амалга оширади:

судьянинг ваколатлари муддати тугашидан олти ой олдин Ўзбекистон Республикаси Президентига судья ваколатлари муддати тугashi тўғрисида хабар беради;

Ўзбекистон Республикаси Президентига судьялар ва девон ходимлари номзодларини давлат мукофотлари билан тақдирлаш учун тақдим этади;

Ўзбекистон Республикаси Президентига судьянинг номзодини унга Олий малака даражасини бериш учун тақдим этади;

Конституциявий суд томонидан қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши учун Конституциявий суднинг мажлисини чақиради;

Конституциявий суднинг харажатлар сметасини ва девонининг штат жадвалини тасдиқлади;

қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

**20-модда.** Конституциявий суднинг раиси қуйидаги ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Президентига судьянинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида тақдимнома киритади:

судья огоҳлантирилганидан ёки унинг ваколатлари тўхтатилганидан кейин ҳам судьялик лавозими билан бир вақтда шуғулланиб бўлмайдиган фаолиятни давом эттирганида;

у Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотганида;

у белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки қисман лаёқатли деб топилганида;

у вафот этганида ёки суднинг қарори билан вафот этган деб эълон қилинганида.

**21-модда.** Конституциявий суд раисининг ўринbosари Конституциявий суд раиси вазифасини унинг йўқлигига ёки унинг топшириғига мувофиқ амалга оширади.

#### **4-боб. Конституциявий судга келиб тушган мурожаатни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва ўрганиш**

**22-модда.** “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг 27-моддасида назарда тутилган давлат органлари, мансабдор шахслар, фуқаролар ва юридик шахслар Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

**23-модда.** Конституциявий судга қилинган мурожаатлар “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг 29-моддасида назарда тутилган талабларга жавоб бериши керак.

**24-модда.** Мурожаатлар, шунингдек уларга илова қилинган ҳужжатлар, қоида тариқасида, давлат тилида тақдим этилади. Мурожаатлар ва уларга илова қилинган ҳужжатлар бошқа тилда тақдим этилган ҳолларда уларнинг давлат тилига таржимаси ҳам тақдим этилиши лозим.

**25-модда.** Конституциявий судга келиб тушган мурожаатлар шу куни Конституциявий суд девони томонидан рўйхатга олинади.

**26-модда.** Мурожаатлар, улар рўйхатга олинганидан кейин уч кун ичида Конституциявий судга тааллуқлигини аниқлаш мақсадида Конституциявий суд девони томонидан ўрганилади.

**27-модда.** Конституциявий судга тааллуқли ва “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонун талабларига жавоб берадиган мурожаатлар Конституциявий суд девони раҳбари томонидан тегишли хулоса билан Конституциявий суд раисига киритилади.

**28-модда.** Конституциявий судга аниқ тааллуқли бўлмаган мурожаатлар “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг 31-моддасига мувофиқ Конституциявий суд раисининг рухсати билан Конституциявий суд девони томонидан мурожаатда қўйилган масалаларни ҳал қилиш ваколатига эга бўлган тегишли давлат органларига, ташкилотларга ёки мансабдор шахсларга юборилади.

**29-модда.** Конституциявий судга тааллуқли, лекин “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий Қонуннинг 27 ва 29-моддалари талабларига жавоб бермайдиган мурожаатлар юзасидан Конституциявий суд девони томонидан мурожаат муаллифига мурожаатни кўрсатилган талабларга мувофиқлаштириш лозимлиги тўғрисида хабар берилади.

**30-модда.** Конституциявий судга қилинган мурожаат, шунингдек унга илова қилинган хужжатлар ва материаллар Microsoft Word Document (doc, docx, rtf файлларни кенгайтирилган ҳолда) PDF, JPG, PNG форматида, ҳақиқийлигини тасдиқловчи барча аутентик белгилари билан тақдим қилиниши керак (график имзолар, муҳрлар, штамплар, тартиб рақамлари, белгиланган саналар ва ҳ.к.).

**31-модда.** Мурожаатларнинг судьялар ўртасида дастлабки тарзда ўрганиш учун тақсимланиши “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг 32-моддасида белгиланган тартибда Конституциявий суд раиси томонидан судьяларнинг ихтисослашуви ва улар иш ҳажмининг ўзаро тенглиги принципларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

**32-модда.** Мурожаатни дастлабки тарзда ўрганаётган судья Конституциявий суд девони ходимларига мурожаатни ўрганиш ҳақида топшириқ бериши мумкин. Судья бундай топшириқни ходимларга Конституциявий суд девони раҳбари орқали беради.

**33-модда.** “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг 35-моддасига мувофиқ

Конституциявий суд кўриб чиқиши учун киритилган мурожаатни мурожаат муаллифи ишни суд мажлисида кўриш бошлангунига қадар чақириб олиши мумкин. Мурожаат чақириб олинган тақдирда ишни юритиш тугатилиб, бу ҳақда Конституциявий суд ажрим чиқаради.

Агар мурожаат муаллифи Конституциявий суд ишни кўриб чиқиши учун қабул қилингунига қадар мурожаатни қайтариб олган бўлса, Конституциявий суднинг ажрими чиқарилмайди.

**34-модда.** Конституциявий суднинг судьяси “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг 39-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, ишни эшитиш бошлангунига қадар ўзини ўзи рад этиши тўғрисида арз қилиши шарт.

Судья ўзини ўзи рад этиши тўғрисида арз қилган тақдирда, суд мажлисида раислик қилувчи Конституциявий судга судьяни четлаштириш масаласини кўриб чиқиши учун қўяди. Судьяни ишни кўришда иштирок этишдан четлаштириш масаласи бўйича қарор маслаҳатхонада қабул қилинади.

### **5-боб. Мурожаатни кўриб чиқиши учун қабул қилиш.**

**Ишни кўриш учун тайёрлаш.**

**Ишни оғзаки эшитувлар ўтказмасдан кўриш**

**35-модда.** Мурожаатлар кўриб чиқиши учун “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг 33-моддасида белгиланган тартибда қабул қилинади. Мурожаатни кўриб чиқиши учун қабул қилингандиги тўғрисида конституциявий суд ишларини юритиш иштирокчилари Конституциявий суднинг девони томонидан ёзма шаклда уч кун ичida хабардор қилинади.

**36-модда.** Мурожаатни кўриб чиқиши учун қабул қилиш масаласи юзасидан Конституциявий суднинг мажлислари, қоида тариқасида, мурожаатларнинг келиб тушган вақтини ҳисобга олган ҳолда ўтказилади.

**37-модда.** Мурожаатни кўриб чиқиши учун қабул қилиш тўғрисидаги ажрим ҳар бир мурожаат учун алоҳида қабул қилинади.

**38-модда.** “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг 53-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда Конституциявий суд ишни оғзаки эшитувлар ўтказмасдан кўриш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолда Конституциявий суднинг мурожаатни кўриб чиқишига қабул қилиш тўғрисидаги ажримида

Конституциявий суд ишни оғзаки эшитувлар ўтказмасдан кўриб чиқиши кўрсатилади.

**39-модда.** “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг 34-моддасида назарда тутилган ҳолларда Конституциявий суд мурожаатни кўриб чиқиш учун қабул қилишни рад этади. Мурожаатни кўриб чиқиш учун қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги ажрим мурожаатни дастлабки тарзда ўрганган судьянинг таклифига биноан қабул қилинади ва хулоса шаклида расмийлаштирилади хамда асослантирилган бўлиши керак. Мурожаатни кўриб чиқиш учун қабул қилишни рад этилганлиги тўғрисида мурожаат муаллифи уч кун ичida Конституциявий суд девони томонидан хабардор қилинади.

**40-модда.** “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг 33-моддасига мувофиқ Конституциявий суд ишни кўриб чиқиш учун қабул қилганда судьяларга илгари берилган ишлар сонини, уларнинг мураккаблиги ва ҳажмини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир иш бўйича маъruzachi судьяни (маъruzachi судьяларни) тайинлайди.

**41-модда.** Ишни кўриб чиқиш учун тайёрлаш вақтида маъruzachi судья (маъruzachi судьялар) иш бўйича тарафларни аниқлайди.

**42-модда.** “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг 44-моддасига мувофиқ маъruzachi судья (маъruzachi судьялар) ёки бошқа судьянинг таклифига биноан Конституциявий суд экспертиза ўтказиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин.

**43-модда.** “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг 45-46-моддаларига мувофиқ маъruzachi судья (маъruzachi судьялар) нинг таклифига кўра Конституциявий суд раиси билан келишилган ҳолда маслаҳатлар бериш, текширувлар ўтказиш, алоҳида хужжатларни ўрганиш учун ишнинг пировард натижасидан манфаатдор бўлмаган мутахассис (мутахассислар) таклиф қилиниши мумкин.

**44-модда.** Агар судья маълум ҳолатлар туфайли ўзининг вазифаларини узоқ вақт давомида бажара олмаса (масалан, касаллик, узоқ муддатли хизмат сафари, ваколатларининг тўхтатиб турилиши) у Конституциявий суд раисига бошқа маъruzachi судьяни тайинлаш учун мурожаат қиласиди. Конституциявий суд раиси Конституциявий суд мажлисида маъruzachi судьяни (маъruzachi судьяларни) алмаштириш масаласини қўяди.

**45-модда.** Судья “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг 39-моддасида назарда тутилган ҳоллардагина ишни кўриб чиқишида иштирок этишдан четлаштирилади. Бошқа ҳолларда у ишда иштирок этишдан четлаштирилиши мумкин эмас.

## 6-боб. Суд мухокамаси

**46-модда.** Ишни кўриш учун тайинлаш Конституциявий суд мажлисида амалга оширилади. Констициявий суд ишларни кўриб чиқиш тартибини, қоида тариқасида, мурожаатни кўриб чиқиш учун қабул қилинган санани ҳисобга олган ҳолда белгилайди. Иш кўриш учун тайинланаётганида ишни кўриш санаси ва бошланиш вақти белгиланади.

**47-модда.** Суд мажлиси ҳақида хабардор қилиш ва материалларни юбориш Конституциявий суд девони томонидан “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг 48-моддасида белгиланган тартибда амалга оширилади.

**48-модда.** Суд мажлисини ўтказишни ташкиллаштириш Конституциявий суд раисининг топшириғига кўра Конституциявий суд девони томонидан амалга оширилади.

**49-модда.** Конституциявий суд раиси томонидан Конституциявий суд девони ходимлари орасидан суд мажлисининг котиби тайинланади.

Суд мажлисининг котиби:

Конституциявий суд судьялари суд залига кираётганида ва суд залидан чиқаётганида ҳозир бўлганларнинг барчасига ўринларидан туришни таклиф қиласиди;

суд мажлиси иштирокчиларининг ҳозир бўлганликларини текширади, уларнинг суд мажлисига келмаганлиги сабабларини аниқлайди ва бу ҳақда Конституциявий судни хабардор қиласиди;

суд мажлисида раислик қилувчининг топширикларини бажаради;

суд мажлиси баённомасини юритади ва уни ўз вақтида расмийлаштирилишини таъминлайди;

суд мажлисини ўтказиш ва ишни кўриб чиқиш учун зарур бўлган бошқа ҳаракатларни бажаради.

**50-модда.** Конституциявий суднинг очиқ мажлисида ҳозир бўлишни истаган шахслар суд залига иш кўрилгунига қадар ёки танаффус пайтида, бўш жойлар мавжуд бўлганда, паспорт ёки шахсини тасдиқловчи хужжатлар кўрсатилганда киритилади. Оммавий ахборот воситалари вакиллари Конституциявий суд матбуот хизмати томонидан аккредитация қилинади ва суд залига матбуот хизмати томонидан тақдим қилинган рўйхат асосида киритилади.

**51-модда.** Конституциявий суд девони суд мажлисида ўрнатилган тартиб ва хавфсизликни сақлаш учун хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликни амалга оширади.

## 7-боб. Конституциявий суд қарорлари

**52-модда.** Конституциявий суд Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонун ва мазкур Регламент томонидан белгиланган масалалар юзасидан қарорлар қабул қиласди.

**53-модда.** Конституциявий суд ўзининг қарорларини “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суд тўғрисида”ги Конституциявий қонун ва мазкур Регламентда белгиланган ҳолларда маслаҳатхонада муҳокама қиласди ва қабул қиласди.

**54-модда.** Маърузачи судья (маърузачи судьялар) томонидан тақдим қилинган Конституциявий суднинг якуний қарори лойиҳаси муҳокамасига доир материаллар якуний қарор лойиҳасини ишлаб чиқишида асос сифатида олиниши ёхуд бошқа янги якуний қарор лойиҳасини ишлаб чиқиши тўғрисида қарор қабул қилиниши мумкин. Ишни кўриб чиқишида иштирок этаётган ҳар қандай судья Конституциявий суднинг якуний қарори лойиҳасига ўз материалларини тақдим этиш хуқуқига эга.

Маърузачи судья (маърузачи судьялар) ёки ишни кўриб чиқишида иштирок этаётган ҳар қандай судья Конституциявий суднинг якуний қарори лойиҳасини тайёрлаш юзасидан Конституциявий суд девони ходимига топшириқ беришга ҳақли. Бундай топшириқ ушбу Регламентнинг 32-моддасида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Конституциявий суднинг якуний қарори маслаҳатда иштирок этаётган барча судьялар унга рози бўлган тақдирда ҳам овоз берилмасдан туриб қабул қилиниши мумкин эмас.

**55-модда.** Судьянинг алоҳида фикри матни Конституциявий суднинг якуний қарори эълон қилинган кундан бошлаб беш кундан кечиктирмай тақдим этилиши лозим.

**56-модда.** “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг 72-моддасига мувофиқ эълон қилиниши лозим бўлган Конституциявий суднинг қарорлари, хулосалари ва бошқа хужжатлари расмий манбаларга нашр этиш учун нусха шаклида юборилади. Нусхада судьяларнинг фамилияси ва имзоси акс эттирилмайди. Конституциявий суд ҳужжатларининг нусхаси матни “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди” деган сўзлар билан яқунланади.

Конституциявий суднинг хужжатлари мурожаат муаллифларига, тарафларга ва конституциявий суд ишларини юритишнинг бошқа иштирокчиларига, шунингдек бошқа ташкилотларга айнан шу шаклда юборилади.

### **8-боб. Суд мажлиси баённомаси**

**57-модда.** “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг 75-76-моддаларида Конституциявий суднинг мажлисида суд мажлисининг баённомаси юритилиши, баённоманинг мазмуни, у билан танишиш, баённомага доир фикр-мулоҳазалар билдириш тартиби назарда тутилган.

Суд мажлисининг баённомаси билан танишиш истагини билдирган суд мажлисининг иштирокчилари суд мажлисининг баённомаси имзоланган кундан бошлаб беш кун ичида у билан суд мажлисининг котиби томонидан таништирилиши мумкин.

### **9-боб. Суд чиқимлари ва харажатларни қоплаш**

**58-модда.** “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг 91-моддасига мувофиқ гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар ва таржимонларга тўланиши лозим бўлган суммалардан, шунингдек ишни кўриб чиқиш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлардан иборат бўлган суд чиқимлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан қопланади.

### **10-боб. Яқунловчи қоидалар**

**59-модда.** Конституциявий суд конституциявий назорат соҳасида ташкил этилган халқаро ташкилотларнинг аъзоси бўлиши, хорижий мамлакатлар конституциявий назорат органлари билан ҳамкорлик қилиши мумкин. Халқаро алоқалар соҳасини режалаштириш, тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиша умумий раҳбарликни Конституциявий суд раиси амалга оширади.

**60-модда.** Конституциявий суд фаолиятини ташкилий, илмий-таҳлилий, ахборот-маълумот, молиявий, кадрлар, моддий-техника, ижтимоий-маиший ва бошқа жиҳатдан таъминлаш Конституциявий суд девони томонидан амалга оширилади.

Конституциявий суд девони фаолиятининг тартиби “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг девони тўғрисидаги Низом” билан белгиланади.

**61-модда.** Конституциявий суд Конституциявий суд фаолиятини илмий-таҳлилий таъминлаш масалалари бўйича илмий муассасалар, олимлар, мутахассислар билан ўзаро ҳамкорлик қиласди.

Конституциявий суд раисининг ўринбосари ўз лавозими бўйича Конституциявий суд хузуридаги Илмий-маслаҳат кенгашининг раиси хисобланади.

**62-модда.** Конституциявий суд Ўзбекистон Республикаси судьялар Ассоциацияси билан ўзаро ҳамкорлик қиласди. Бундай ҳамкорлик Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиятининг нуфузини ҳар томонлама ошириш, одил судловнинг холислигини таъминлаш, шунингдек Ассоциация олдида турган бошқа мақсадларда амалга оширилади. Судьялар Ассоциациясининг Республика қурултойига Конституциявий суддан делегатлар Конституциявий суд мажлисида сайланади.

**11-боб. Конституциявий суднинг ички фаолиятини ташкил этиш юзасидан Регламент ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда уларга ўзгартишлар киритиш тартиб-таомиллари**

**63-модда.** Конституциявий суднинг ички фаолиятини ташкил этиш юзасидан Регламент ва бошқа ҳужжатларга ўзгартишлар киритиш Конституциявий суднинг қарори билан амалга оширлади.

**64-модда.** Конституциявий суднинг ички фаолиятини ташкил этиш масалалари бўйича Регламент ва бошқа ҳужжатлар лойиҳалари ҳамда уларга ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги ҳужжатлар лойиҳалари Конституциявий суд раиси томонидан Конституциявий судга тасдиқлаш учун киритилади